
"ЙИЛ АЁЛИ-2023" танловининг шаҳар босқичи ўтказилди

Марғилон шаҳридаги «Ижод мактаби»да "Йил аёли" миллий танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўзларини муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, оиласда ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлиши билан бирга ўзлари фаолият кўрсатаётган ташкилотлар нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган турли соҳа эгалари бўлган хотин-қизларни кўллаб қувватлаш мақсадида ташкил этилган танловда шаҳаримиздаги корхона, ташкилот, муассасаларида меҳнат қилаётган ҳамда уй бекалари бўлган хотин-қизлар иштирок этишди.

Танловда иштирокчиларнинг маҳоратларини вилоят ҳокими маслаҳатчиси Соҳибжамол Тонгатарова, вилоят ҳокимлиги Девонхона бўлими мудири Маърифат Ахунжанова бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришли. Танлов якунида ҳакамлар ҳайъати холосасига кўра низомда кўрсатилган барча шартларни намунали бажарган энг фаол ва энг илғор аёлларинг номлари эътироф этилиб, муносиб тақдирланди.

Унга кўра, «Йилнинг энг ватанпарвар аёли» номинацияси бўйича Гулбахор Умарова, «Йилнинг энг фаол олима аёли» номинацияси бўйича Наргиза Муллажонова, «Йилнинг энг яхши ижодкор аёли» номинацияси бўйича Сайёрахон Абдуразақова, «Ўз касбининг устаси бўлган йил аёли» номинацияси бўйича Маъсумахон Атакўжаева, «Йилнинг энг кучли маънавий-маърифий тарғиботчиси» номинацияси бўйича Гулнозахон Зоҳидова, «Йилнинг энг жонкуяр устози» номинацияси бўйича Нигора Маннопова, "Йилнинг энг янги ғоялар ташаббускори" номинацияси бўйича Дилдорахон Давлатёрова, «Энг илғор тадбиркор аёл» номинацияси бўйича Машхура Эгамбердиевалар ғолибликни кўлга киритишли.

Ғолибларга шаҳар ҳокимлигининг фаҳрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

2023-10-11 18:38:50